

# Бунинг жавоби сизда ҳам бор деб ўйлайман! (Абу Ҳассон, умму Ҳассон ва умму Изом ҳикояси)



13:00 / 15.12.2021 3877

Улар севишиб турмуш қуришди. Кейинчалик эрнинг рашкчи ва қаттиққўл эканлиги аниқ бўлди. Хотинини уйдан чиққани қўймас эди. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш асло мумкин эмас. У хотинини урар, ҳамма нарсада қатъий қонунлар жорий қилар, хотинининг ишларига ҳам, уй ишларига ҳам аралашаверар эди. Хотинининг заифлигини суистеъмол қилди. Хотин унга таслим бўлди. Эрнинг кучли эканлигидан аёлнинг хавфи кучая борди. Ноилож эрига бўйсуниб, унга хизмат қилиб, унинг розилигини олишга ҳаракат қилиб яшай бошлади. Эрнинг эса зулми ва жабри зиёдалашиб борди. Ўзини ва эҳтиёжларини унутган аёл тузалмас дардга йўлиқди. Умрининг энг гуллаган пайтида вафот этди.

Эр кейинроқ қирқ ёшлардаги умму Изом куняли онги очиқ бир аёлга уйланди. Эр бунга ҳам босим қила бошлади. Креслога ўтириб олиб ўзидан 50 см узоқликда турган китобни ёки қаламни олиб беришини сўрар, ёки яқингинасида турган пулт ёки телефонни қувватлагичини олиб беришини сўрар эди. Тоқати тоқ бўлган аёл бир куни деди:

- Мен сизга хизматкор эмасман. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳатто хизматкорларига ҳам «буни қил» ёки «буни қилма» демаганлар. Нега энди ўзингизнинг ҳожатингизни ўзингиз бажармайсиз?!

Эр аёлнинг гапини ақлига сиғдира олмади. Худди олдинги хотинига қилгани каби унинг юзига ҳам шапалоқ тортиб юборди. Аёл индамади. Эр кўчага чиқиб кетганида нарсаларини жамлаб жомадонга жойлади ва уларни отасининг уйига юборди. Эрининг қайтиб келишини кутиб турди. Эр кўчадан келиб креслога хотиржам жойлашиб олганидан сўнг тўсатдан келиб унинг юзига қаттиқ шапалоқ уриб тезлик билан чиқиб кетди. Қайтиб келмади.

Унинг бармоқлари эрининг юзида ўз изини қолдирди. Воқеани қўшнилар эшитди. Эр улардан хижолат бўлди. Сўнгра бу кўчадан бошқа жойга кўчиб ўтди. Аммо хотинини қайтариш учун ўртага одам қўйди, узрлар сўради.

Хотин бир йилдан кейин қайтиб келди. Энди эр хотинига юмшоқ, итоаткор, барча истакларини бажарадиган бўлиб қолган эди.

Нега бундай бўлди? Аҳвол қандай ўзгарди? Ўзимча бунинг жавоби ҳақида тааммул қиламан. Бунинг жавоби сизда ҳам бор деб ўйлайман. Аввалги хотини билан қўпол муомалада бўлган, уларга бахиллик қилган кўпчилик эркаклар иккинчи маротаба уйланса тамоман ўзгариб қолишади. Иккинчи хотинларига борларини сочишади!

***Айман Ёғий саҳифасидан.***

***Обида Муайяд таржимаси.***